O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
**PREZIDENTI**

**Бисмиллаҳир раҳмонир раҳим**

**Кавказ мусулмонлари идораси раиси,
Шайхулислом Аллоҳшукур Пошшазода
Ҳазратларига**

**Ассалому алайкум ва раҳматуллохи ва баракотуҳу,**

**Муҳтарам Шайхулислом Ҳазратлари!**

Таваллуд куним муносабати билан йўллаган самимий табрикларингиз ва менинг шаънимга билдирган эзгу тилакларингиз учун чин қалбимдан ўзимнинг миннатдорлигимни изҳор этишдан мамнунман.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган тарихий ўзгаришлар, диний эътиқод эркинлигини таъминлаш, миллий ахлоқий, маънавий-маданий қадриятларни асраб-авайлаш ва кенг тарғиб этиш борасидаги ютуқлар, яқинда Озарбайжон Президенти, азиз биродарим Илҳом Гейдарович Алиевнинг юртимизга сермаҳсул ташрифи ҳақида билдирган ижобий фикрларингиз мен учун ғоят қадрлидир.

Сизнинг юртимиз ҳақида, олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатимиз тўғрисида ҳамиша билдириб келаётган самимий фикрларингиз, Туркий давлатлар ташкилоти диний етакчилари кенгаши доирасидаги хайрихоҳ чиқишларингиз менга катта куч ва қувонч бағишлайди.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Қодир Аллоҳдан Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат ва фаровонлик, умматимиз ва қардош халқларимиз бирдамлиги йўлидаги барча хайрли ишларингизда улкан муваффақиятлар ато этишини сўраб қоламан.

Юксак эҳтиром ила,

**Шавкат Мирзиёев**

Тошкент шаҳри
2022 йил 26 июль

*Неофициальный перевод с узбекского языка*

**ПРЕЗИДЕНТ**
**РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

---

**Бисмиллахир рахмонир рахим**

**Председателю Управления мусульман Кавказа**
**Шейх-уль-ислам Аллахшукюру Пашазаде**
**Хазратлари**

**Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу**

**Уважаемый Шейх-уль-ислам Хазратлари!**

Мне доставляет огромное удовольствие выразить искреннюю благодарность за тёплые поздравления и наилучшие пожелания по случаю моего Дня рождения.

Я высоко ценю Ваши положительные высказывания об исторических переменах, происходящих в Узбекистане, достижениях в обеспечении свободы вероисповедания, сохранении и широкой пропаганде национальных нравственных, духовных и культурных ценностей, а также о недавнем плодотворном визите Президента Азербайджана, моего дорогого брата Ильхама Гейдаровича Алиева в нашу страну.

Ваши искренние суждения о нашей стране, нашей внутренней и внешней политике, Ваши благожелательные выступления в Совете религиозных лидеров Организации тюркских государств придают мне огромную силу и радость.

Пользуясь этой возможностью, прошу Всемогущего Аллаха ниспослать Вам долгих лет жизни, крепкого здоровья, семейного счастья и процветания, а также успехов в Ваших благих деяниях, совершаемых во имя единства мусульманской Уммы и наших братских народов.

С глубоким уважением,

**Шавкат Мирзиёев**

26 июля 2022 года
город Ташкент